

PK

Хабар

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

7
(1065)
15-fevral
2013
www.xabar.uz
info@xabar.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Ярим асрлик довон

"Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали ташкил топганига ярим аср бўлди.

1963 йилнинг 20 февралда ташкил этилган бу корхона дастлаб магистрал кабелларга хизмат кўрсатувчи УКМ-10 (10-Кабел магистраллари бошқармаси) деб номланганди.

Республикада радиореда линиялари барпо этилиши билан корхона УКРМ-10 (10-Магистрал ва радиореда линиялари бошқармаси), 1973 йили СМС-10 (10-Магистрал алоқа ва телевидение тармоғи), 1977 йили ТЦУМС-10 (10-Шахарлараро алоқа ва телевидение бошқарувининг худудий маркази), 1987 йили ТПО-10 (10-Шахарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси), 1991 йили ТПО (Худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси) деб аталган. 2000 йили ташкилот давлат тасарруфидан чиқарилиб, "Шахарлараро алоқа корхонаси" очик акционерлик жамиятига ўзгартирилди. 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра "Ўзбектелеком" АКнинг "Шахарлараро алоқа корхонаси" филиали деб қайта номланди.

2011 йилнинг июн ойидан бошлаб эса "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" (ТТТ) филиали деб атала бошланди.

5-бет

12-бет

Олтин ҳалқалар

Талабалар кўникмасини оширишда ТАТУ ва соҳа корхоналари ҳамкорлигининг аҳамияти

Илм олиш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли. Аммо шу заҳмат чекиб орттирган илмини амалда самарали қўллаган инсонгагина ўз орзу-мақсадларига элтувчи йўллар кенг очилади. Яъни, ҳар қандай назарий билим амалиёт жараёнида чархланганда ўзининг ҳақиқий бўй-бастини намоён қилади.

Алоқа оламида

Массачусетс технология институти (MIT) олимлари бактерия хужайраларида генетик схемалар яратишди, улар нафақат мантикий функция бажаради, балки амалиётлар натижаларини ҳам эслаб қолади. Генетик схемалар ДНК хужайраларида кодланиб, ўнлаб авлодларга ўтади.



Nature Biotechnology онлайн нашрида мазкур ишланма хақида батафсил маълумот берилган бўлиб, ундан атроф-муҳитдаги турли ўзгаришларни кайд қилувчи қурилмалар (датчиклар), биоёнилги олиш ҳамда турли дори воситалари ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги атрофлича таҳлил қилинган.

Ушбу сонда:

■ Янги дўконлар яқин манзилларда

2

■ Коммунальные услуги в интернете

6

■ XX аср бошларидаги радиоўйинлар

11

■ Ўқув юртларида Wi-Fi худудлар

13

Теледастурлар, спорт, сканворд

e-kommunal
www.e-kommunal.uz



Коммунал-хўжалик ва тураржой фонди
Портали аҳоли хизматида



Jumadan Jumagacha

9-fevral kuni Alisher Navoiy nomi bilan ataluvchi **Ўзбекистон Миллий бонди** шoir таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сената** аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавий тарбияotchилари, ўқитувчилар, махалла фаоллари, талаба-ёшлар йиғилди. Тадбирда Аlisher Navoiy дахосига бағишланган шеърлар ўқилди. Тадбир иштирокчилари Alisher Navoiy хайкали пойғи гуллар қўйишди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси** ҳамда "Солиқ инфо" газетаси тахририяти ҳамкорлигида ташкил этилган семинар солиқ соҳасидаги ўзгаришларга бағишланди. Семинарда текширувлар ўтказиш, солиқ қарзларини ундириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, жисмоний шахслар даромад солиғи ва қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш, солиқ ҳисоботларини тошпириш даврийлигининг қисқартирилиши масалалари бўйича мамлакатимиз Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда бошқа қўлаб масалалар кўриб чиқилди.

Нукус шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси** ва Марказий банк ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу иқтисодий-ҳуқуқий ўқув-семинарида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Сирдарё вилоятида Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё вилояти бўлими ҳамкорлигида "Аёл тадбиркор бўлса..." мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиларининг тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар, ҳуқуқий кафолатлар, кредит олиш тартиб-тамойлари бўйича берган саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

Урганч шаҳрида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши ва **Ўзбекистон Экологик ҳаракати** худудий бўлими билан ҳамкорликда "Экология — ёшлар нигоҳида" лойиҳаси доирасида экоакция ўтказилмоқда. "Шу азиз Ватан — барчамизники!" шiori остида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги олий ўқув юрглари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ёшлар ҳамда маҳаллалар вакиллари бўлган кўнгилчилар иштирок этмоқда.

Мамлакатимизнинг туристик компания ва фирмалари Латвиянинг Рига шаҳрида шу йил 8-10 феврал кунлари бўлиб ўтган "Balttour-2013" йигирманчи халқаро сайёҳлик ярмаркасида қатнашди. "Balttour-2013"да 34 мамлакатдан қарий етти юз сайёҳлик фирма ва компанияси вакиллари иштирок этди. Халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгрок жалб қилиш борасида дунёнинг турли давлатларидан келган мутахассислар билан фикр алмашиш ва ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Бир қатор сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда оид битимлар имзоланди.



Раҳбарлар малака оширишди

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг худудий филиаллари раҳбарлари Тошкентда малака оширишди. "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални" ривожлантириш маркази" филиалида ташкил этилган ўқув курслари уч кун давом этди.

Ўқув курсининг дастлабки кун дастуридан **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримовнинг 2012 йили республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида профессор Х.Абулқосимов ўз маърузасида батафсил тўхталган бўлса, ТДЮИ ўқитувчиси Г.Саримқонова ва Г.В.Плеханов номидagi Россия иқтисод академияси ўқитувчиси Н.Асадуллоева "Меҳнат интизоми ва меҳнат қончилигини амалда қўллаш тар-

тиби", "Инновациялар маркетинги, инновация ва инновацион тараққиёт — компания равнаки асоси" мавзуларида маъруза қилишди.

Кейинги кунларда қатнашчилар менежмент, солиқ, бухгалтерия бўйича маърузаларни тинглаб, бу борадаги сўнгги янгиликлардан воқиф бўлишди. Шунингдек, ўқув курслари мобайнида "Матбуот тарқатувчи" АК корхоналари муаммолари ва уларнинг ечимлари мавзусида ҳам йиғилиш ташкил этилди. Курслар якунида иштирокчиларга сертификатлар тошпирилди.

Тадбир доирасида компания томонидан пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Ўз мухбиримиз

Президент стипендиати

2012-2013 ўқув йили учун **Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари** танлови ғолиблари орасида Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали "Компютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти" мутахассислиги 2-босқич магистри Артур Арутюнов ҳам бор.



У 1990 йилнинг 29 апрелида Самарқанд вилоятида туғилган. Фаиларни аъло баҳоларга ўзлаштириши билан бирга, университетда ўтказиладиган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади.

Инглиз тилида эркин сўзлашади. Республика ҳамда университет микросидаги илмий анжуманларда мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда "Электрон ҳужжат алмашинувиани замонавий тармоқ технологияларидан фойдаланиб автоматлаштиришнинг дастурлар пакетини яратиш" мавзусида илмий изланишлар билан шуғулланмоқда.

Артурни ғолиблик билан қутлаймиз!

Аҳил жамоамиз ўтган йил ҳам қўзланган мақсадга эришди. Йил давомида товар айланмаси мўлжалдаги 2 миллиард 200 миллион сўм ўрнига 3 миллиард 797 миллион сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, даврий нашрларга обуна чакана савдо ҳажми режага нисбатан анча юқори бўлди.

Янги дўконлар яқин манзилларда

Шўъба корхона шохбчалари ва "Матбуот" дўконларини замонавийлаштириш ишлари жадал давом эттирилди. Шерободаги бўлимимиз учун янги бино қурилди. Бунинг эвазига "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида 12та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир китоб, ўқув қуроллари савдоси йўлга қўйилган. Кенг форматли баннерлар хориз технологияси асосида тайёрланмоқда. Вилоятнинг Денов, Қумқўрғон, Қизирик ва Шеробод туманлари ҳамда Термиз шаҳри 9та замонавий "Матбуот" дўконлари билан таъминланди. Ана шу янги дўконлар аҳоли учун қулай манзилларга ўрнатилган бўлиб, самарали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, Термиз шаҳридан Шоира Мардонова, Саёҳатхон Алимова, Дилнура Қаримова каби шартнома асосида ме-

нат қилаётган ходимларимиз шўъба корхона муваффақиятларини кўпайтириш борасида ўрнатилган бўлишмоқда.

Жамоамиз 2011 йилдан эътиборан, Жарқўрғон туманидаги Қақайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежига хомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Кейинги икки йил мобайнида коллежнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Ёшлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларига таянган ҳолда ҳунар эгаллашмоқда. Уларнинг иқтидорлилари рағбатлантириб борилляпти. Битирувчиларни иш билан таъминлаш йўлида ҳамкорлик қилинмоқда. Бундан ташқари, Қақайди транспорт ва алоқа коллежи биносининг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам жамоамизнинг молиявий кўмаги

бор. Ўтган йили 100 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари олиб берилди.

Хомийлик доирасидаги тадбирларимизни амалга ошираётган чоғимизда Юртбошимизнинг "Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир" деган пурмаёно гашларини эслаб тураемиз. Зотан, мустақил Ватанимиз пойдевори мустаҳкам бўлишига озми-кўми ҳисса қўшаётганимиз билан фахрланамиз.

Амалдаги Обод турмуш йилида ҳам биз халқимизга қамтарин хизматимиз билан маънавий қувват ҳамда эзгулик ёдурларини улаштиришда камарбаста бўлаверамиз.

Тоҳирхон ЖўРАЕВ,
"Матбуот тарқатувчи" АК
Сурхондарё вилояти шўъба
корхонаси бошлиғи



Ҳашар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш аҳолини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг салоҳиятини янада кучайтириш, миллий қадриятларимизни тараннум этишга йўналтирилган эзгу ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Маънавият" ҳашари ўтказиб келинмоқда.

Вилоят ҳокимининг фармойишига биноан вилоятда 9 феврал куни "Маънавият" ҳашари, айтиш мумкин, рамзийлик касб этиб, байрамона руҳда ўтди. Поклик, мусоффолик, она табиатни эъзозлаш, кўнгли ўқислар ҳолидан хабар олиш каби савобпешалик юмушлари улуг сўз санъаткори таваллуд айёмига бағишланган навоий-хонлик кечалари, илмий-амалий анжуманларга улашиб кетди.

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ҳашардан тушган маблағлар вилоят Маънавият тарғиботи маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ал-Фарғоний номидаги вилоят АКМ, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Қалажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Олтин мерос" хай-

рия жамғармаси, маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат ҳудудий инспекцияси, миллий маданий марказларни

Ҳашарда 1321 нафар почта ходими, жумладан, 584 нафар ёшлар қатнашди. Шаҳар, туман ПАТларида жами 15,3 гектар майдон ва 5 км. ариқлар тозаланди. 19500 туп дарахт оқланди.

қўллаб-қувватлаш, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг китобларини чоп этиш каби хайрли ишларга йўналтирилади.

Бир неча йилдан буён ташкил этиб келинаётган "Маънавият" ҳашарида вилоятдаги барча алоқа корхоналари жамоалари фаол иштирок этиб, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида "Маънавият" ҳашари зўр уюшқоқлик билан ташкил этиб келинади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали раҳбар, ишчи-ҳодимлари ҳам бу йилги "Маънавият" ҳашарида хар қачонгидан кўпроқ ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Ҳашарда 1321 нафар почта ходими, жумладан, 584 нафар ёшлар қатнашдилар. Шаҳар, туман ПАТларида жами 15,3 гектар майдон ва 5 км. ариқлар тозаланди. 19500 туп дарахт оқланди.

Вилоят алоқачилари ҳашарда халқимизга хос бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик, озодалик хислатларини яна бир марта намойён этдилар.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ахборот технологиялари асосида

Марйлон шаҳрининг 22-имконияти чекланган болалар учун иктиссослаштирилган таълим муассасасида "Ўрган-ўрғат" тавсиялар мажмуини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Мазкур семинарда Марйлон педагогика коллежи ўқитувчилари — Р.Аҳмаджонова ва Н.Тошпўлатовалар дарс ва тўғарақларни янгича услублар билан бошлаш бўйича иштирокчиларга назарий ва амалий тавсиялар беришди. Замонавий ахборот-коммуникация ҳамда интерфаол педагогик технологияларнинг махсус таълим жараёнига татбиқ этилиши имконияти чекланган ўқувчилар таълим-тарбиясида ҳам сифат ва самарадорликка эришишнинг муҳим омилли эканлиги мутахассислар томонидан кенг ёритиб берилди.

Шунингдек, тадбир давомида имконияти чекланган ўқувчилар билан олиб борилаётган дарс машғулотларида қандай поангнавий усулларни қўллаш мумкинлиги слайдлар орқали намойиш этилди. Мутахассислар тренинг машғулотларида ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

VIDEOKONFERENSIYA

АКТ ва ахборот хавфсизлиги

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида "Давлат муассасаларида интерактив хизматлар кўрсатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари" мавзусида Республика илмий-амалий видеоконференцияси ўтказилди. Унда Қашқадарё вилоят прокуратураси ходимлари О.Усанов, Б.Исмаилов, Н.Каримов, Қарши шаҳар ва туман прокуратураларидан М.Пардаев, Н.Қўлдошев, Ш.Умарова, А.Ҳамраев, Р.Норчаев, О.Шаймов, Л.Бозорова, Б.Бахронов, М.Бекмуродов, С.Назаровлар иштирок этдилар.

Конференцияда "Ахборот технологияларининг қўлланилишини тартибга солишнинг хусусиятлари" мавзусида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор Толибжон Умаровнинг, "Божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари" мавзусида Давлат божхона кўмитаси бошқарма бошлиғи Абдусобир Саидовнинг, "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишнинг қонунчилик механизмларини янада мустаҳкамлаш масалалари" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Дехқоновларнинг маърузалари тингланди.

Конференция сўнгида савол-жавоблар ўтказилди.

А.ИСМОИЛОВ,

"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

MASHHURLAR VA TEXNOLOGIYALAR

Миттераннинг ташаббуси

Хар бир миллат ўз тилининг софлиги учун курашиши табиий ҳол, албатта. Масалан, Францияда бутун бошли академия (Academie francaise) муомалада у ёки бу сўз ҳақиқатан ҳам тўғри қўлланилганлиги ёки йўқми — шу билан шуғулланаркан. Барча жойда бўлгани каби фаранг диёрига ҳам тараққиётнинг янги ютуқлари билан ёна-ён ҳеч муболағасиз "техника тили"га айланиб улгурган инглиз тили шаҳдам кириб келди. Хатто бу икки тилнинг курашмаси — франгле (franglais) пайдо бўлди. Бизнес ва техника соҳаларида франсузча қўшимчани ("le cash-flow" — пул воситаларининг ҳаракатланиши, "le design" — дизайн сингари) инглиз сўзларининг урф бўлиб кетиши мамлакатнинг ўша пайтдаги президенти Миттеранни таъжублантирди: "Нима, энди биз компютеримизга ҳам инглиз тилида буёруқ берамизми?" — сўради у. Шу бўлди-ю, франгле ўрнига франсузча муболағидаги сўзларни топишга киришиб кетилди. Бунинг натижаси ўларок, масалан, қискагина "oil-rig" (бургулаш минораси) ибораси ўрнига франсуз тилидаги "appareil de forage en mer" (деңиз тубидан нефтни тортиб олиш қурилмаси) атамаси эгаллади. Ўхшас-ўхшамас янги сўзлар ҳосил қилишверди... Қисседан хисса: "темирни қизигида боған" ёки аксинча, "хечдан кўра кеч" яҳин. Нима бўлганда ҳам, франсузларнинг ўз тилига эътибори таҳсинга сазовор.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида бўлиб ўтган 2012 йил якунлари бўйича иқтисодий ривожлантириш ҳамда соҳани такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам рўйи рост тилга олинди ҳам тегишли мутасаддиларга уларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифаси юкланди.

ОРТГА НАЗАР... ИСТИҚБОЛГА ПОЙДЕВОР...

Филиал директори Бахтиёр Ҳошимов 2012 йил истиқбол режасига мувофиқ филиалнинг 2012 йил якунлари бўйича филиал фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари хусусида маъруза қилди.

Филиалда иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида қилинаётган ишлар натижаси бўйича таҳлил қилинганда, 2012 йил даромадлар режаси 106,0 фоизга бажарилган.

Асосий фаолиятдан ташқари, даромадлар режаси 101 фоизга бажарилган, яъни 617377,3 минг сўм даромад олинган. Юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларнинг бажарилиши натижасида ўтган йилни 10900 минг сўм соф фойда билан якунлашга эришилди.

Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғида ташкил этилган интернет-клуб хизмат туридан 1865064 сўм даромад олинди. Филиалнинг барча шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларининг умумий бўлимларида ҳамда Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғининг барча алоқа бўлимларида электрон пул жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш хизмати ташкил этилди.

Бултур 7675 миқозга хизмат кўрсатилиб, мазкур йўналиш бўйича 82745,8 минг сўм даромад олинди.

Юқорида кўрсатилаётган хизматлар бўйича вилоят аҳолиси ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида, оммавий ахборот воситалари орқали реклама ишлари амалга оширилди. Хизматларни реклама қилиш орқали пул жўнатмаларини қабул қилиш хизматини 2011йилга нисбатан 150,9 фоизга, жўнатмаларни 164,5 ва даврий нашрларни етказиш режасини 212 фоизга ошириб бажаришга эришилди.

Филиалнинг кенгайтирилган йиғилишида ўтган йилга сарҳисоб баҳонасида ортга назар ташлаиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди ва истиқболли режалар тузилди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Хабар"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

Xalqaro haqot

ПРЕЗИДЕНТ Барак Обама АҚШ Конгрессиди қилган чиқишида мамлакат ички сийсати билан бирга ташқи сийсат масалалари, жумладан, Афғонистондан қўшинларнинг олиб чиқишига тўхтади. У жорий йилда 30 мингдан ортиқ америкалик ҳарбий хизматчилар уйларига қайтишни ваъда қилган. Шу тариқа Афғонистондаги 66 минг Америка қўшинларининг сони ярмига камади.

Жаноб Обама айни пайтда АҚШ қурулми кучлари Афғонистонда ҳавфсизликни таъминлашда мамлакат раҳбариятини қувватлаш масъулиятини ўз зиммасига олишини билдирган ва бу борада Президент Хамид Карзай хабардор қилинганини айтган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯда атом қуроли яна бир бор ери остида синаб кўрилган. Синов натижасида 4.9 балли зилзила содир бўлган. Хабарларга кўра, ушбу кичик ядровий қаллакни узокка учувчи ракеталарга ўрнатиш мумкин ва мамлакат ҳозир шундай имконият остида турибди.

Пхеньяннинг бу амали халқро доирада танқидларга сабаб бўлмоқда. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ушбу синов БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши қарорларини бузади, деб айтган. АҚШ эса мазкур синовнинг оқибатлари яхши бўлмастидан огоҳлантирган эди. Барак Обама бу мамлакатта қарши янги халқро санкцияларни жорий қилиш лозим деб ҳисобламоқда. У ўзи ва иттифокчилари учун химоя чораларини кўришда давом этаётганини ҳам таъкидлаб ўтди. Хитой ҳам ушбу синовни қоралаб чиқди. Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея ҳамда Япония ҳам бу борада ўз хавотир ва норозилиklarини изҳор эттишган.

Бир ой олдин Шимолий Корея узокка мўлжалланган ракеталарини синаб кўрганида ушбу мамлакатта қарши қўшимча жазо чоралари киритилган. Мамлакатда 2006 ва 2009 йиллари ҳам ядровий қуруллар синовдан ўтказилган эди.

АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида кузатилаётган кучли қор бўронлари гуфайли маҳаллий аэропортларда қарийб 1,5 мингта рейс бекор қилинди.

Вазият, айниқса, Нью-Йорк, Бостон, Чикаго шаҳарларида кескин тус олган. Бу ерларда қорнинг қалинлиги ўртача 30, айрим жойларда эса, ҳатто, 50 сантиметргача етгани айтимокда. Бостонда барча мактаблар ёшиб қўйилди. Аҳолига зарурат туғилмаси, уйдан чиқмаслик тавсия этилди.

ШОТЛАНДИЯ 2016 йил мартда ўзининг мустақиллигини эълон қилади. Агар аҳолининг катта қисми референдумда Шотландиянинг Буюк Британиядан ажралишига овоз берагина, бу амалга ошади. Референдум 2014 йилнинг кузига белгиланган, бироқ аниқ санаси хали маълум эмас. Шотланд ҳукумати аҳоли олдига "Шотландия мустакил давлат бўлиши керакми?" деган саволни қўймоқчи.

ГРЕЦИЯ, қўллаб махсулотларнинг нархи секин ошганига қарамай, 2012 йилда ҳам Европанинг энг қиммат давлатларидан бири бўлиб қолди. Мамлакатда нарх-наво жуда юқори, махсулотларни сотиб олишга қўллаб қўвиладиган қурби етмайди.

Мамлакат Тараққиёт вазири ўринбосарининг айтишича, асосан озиқ-овқат махсулотлари ва алкогольсиз ичимликларнинг нархи тушган ва Греция ЕИда 2012 йилда махсулотлар арзонлашган ягона давлат ҳисобланади. Бироқ айрим озиқ-овқат махсулотлари, жумладан, тухум, йогурт, пишлок, мол гўшти, балиқнинг нархи кўтарилган.

Java – ЭНГ ОММАЛАШГАН ДАСТУРЛАШ ТИЛИ

Java, TIOBE Programming Community Index феврал рейтингига кўра, энг оммалашган дастурлаш тили дея эътироф этилди. Эслатиб ўтамай, ўтган йилнинг апрел ойдан буён биринчи ўринда С ДТ келаётганди.

TIOBE прогнозларига кўра, сўнгги ярим йилда Javaнинг бунчалик оммалашгани (+2,03 фоиз) мобил Android амалий тизимининг кенг тарқалиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, айнан бу амалий тизим учун аксарият иловалар Javaда амалга ошириляпти.

Кузатишган тенденциялардан яна бири Python ДТнинг яна фаоллашганидир (сўнгги ярим йилда +1,07 фоиз).




TIOBE рейтинги (ўнлик)

№	Дастурлаш тили	Оммавийлик индекси (%)
1	Java	18,387
2	C	17,080
3	Objective-C	9,803
4	C++	8,758
5	C#	6,680
6	PHP	5,074
7	Python	4,949
8	Visual Basic	4,648
9	Perl	2,252
10	Ruby	1,752



ФОТО-ХАВАР

2013 йили Apple асосчиси, мархум Стив Жобс ҳақидаги филм ("Жобс") Америка кинофестивали — "Сандэнс" да намойиш этилади. Бош ролни актёр Эштон Катчер ўйнаган.



АНТИҚА ХАВАР

ТРОЯН МУАЛЛИФИ – 11 Ёшли БОЛА

AVG антивирус компаниясининг шохидлик беришича, айни пайтда зарарли дастурларнинг муаллифлари орасида мактаб ўқувчилари кўпайиб бормоқда.

Масалан, яқинда пайдо бўлган компютер ўйинлари логинларини ўғирловчи вирус 11 ёшли бола томонидан яратилгани ойдинлашди. Мутахассислар боланинг Канадада яшашини ва яқинда ота-онаси унга iPhone ашарати олиб беришганини аниқлашди.

АТ-хабарлар

Птерду университети (АҚШ) олимлари турли қурилмаларда – тиббиёт сканерларидан тортиб рақамли фотокамераларгача – тасвирга ишлов беришни жадаллаштириш бўйича янги технология ишлаб чиқишди.

Одатда дастлаб тасвир сенсорлари маълумотларнинг муайян тоғфасини қайд этар ва тегишли дастур уларга ишлов беради. Янги усул эса бошқароқ тахлитда ишлайди: аввалга ушун миқдордаги хар хил маълумотлар бир жойга йиғилади ва кейин махсус алгоритмлар бўлажак тасвир учун керакли маълумотларини унинг ичидан ажратиб беради. Бу янгилик, айниқса, тиббиётда жуда қўл келиши кутиляпти. Масалан, беморнинг рентген нурларидан зарарланишини тўрт маротабагача камайтириш мумкин.

Қиммат телефонларга ихтисослашган Vertu компанияси Android 4.0 платформасида ишловчи Ti моделини чиқаришини маълум қилди. Бу мазкур амалий тизимдаги дастлабки люкс аппарат ҳисобланади.

Аппаратнинг сенсор экрани сапфир ойна билан химояланган бўлиб, корпуси титандан ишланган. Процессори – 1,7 ГГц частотали, хотираси – 64 ГБ. Асосий камераси Full HD видео олиш имконини беради. Vertu Ti 7,9 минг евро атоғида баҳоламоқда.



2013 йил дастлабки чораги якунига бориб, Lenovo жаҳонда етакчи ноутбук ишлаб чиқарувчи компанияга айланиши мумкин.

Жумладан, Lenovo ҳамда Asusда ўртача 5 фоиздан ўсish, HP, Dell ва Toshibaда 20 фоизлик пасайиш, Acerда 15-20 фоизлик пасайиш юз бериши кутиляпти.

Американинг еттига энг йирик контент ишлаб чиқарувчилари уюмиси – Халқаро интелектуал мулк альянси Украинани "биринчи рақамли қароқчи" сифатида ўз "қора рўйхат"ига киритди. Ҳеч бир мамлакат 2006 йилдан бери бу мақомга эга бўлмаган эди.

2013 йили мазкур рўйхатдан, шунингдек, Аргентина, Чили, Хитой, Коста-Рика, Хиндистон, Индонезия ва Россия жой олган.


Мicrosoft асосчиси Билл Гейтс яқинда Reddit нашрига интервью берди. Маълум бўлишича, у асосий вақтини Bill & Melinda Gates Foundation хайрия жамғармасига ажратаётган экан.

Windows 7 ёки Windows 8 – қай бири афзал? Бу саволга жавобан Гейтс ҳамма нарсанинг ҳам янги афзаллигини таъкидлади.

Ўзининг "техно-қунарли" ҳақидаги саволга Гейтс баъзида C ёки C# дастурлаш тилларида кодлар ёзиб туришини айтган.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Республикамиз АКТ соҳасига малакали кадрлар етиштириб бевуқи таълим даргоҳи ҳисобланган Тошкент ахборот технологиялари университетида талабаларнинг назарий билимларини амалиётда синовдан ўтказиш бора-сида самарали ишлар олиб борилмоқ-да. Бунда университет ва соҳа корхоналари ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ўзининг кутилган натижаларини берапти. Шу кунга қадар соҳа корхоналарида университет кафедраларининг эллика яқин филиаллари очилди. Газетамизнинг ушбу саҳифаси-да ТАТУ билан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамкорлигида шу йўналишда олиб борилётган амалий ишлар тўғрисида ҳикоя қиламиз.



Биринчи
мақола

Олтин ҳалқалар

Талабалар кўникмасини оширишда
ТАТУ ва соҳа корхоналари ҳамкорлиги ҳақида

ТАТУ "Почта хизматини автоматлаштириш" кафедрасининг ўқув филиалини "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ марказий аппаратида ташкил этиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилгани жамият томонидан кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берил-ётганини тасдиқлайди. Яъни, 2007 йили жамият қошида кафедранинг ўқув филиалини шига туширилган. Ўқув филиали хонаси барча техник анжомлар — замонавий компьютерлар, проектор, махсус экран, почта алоқасини ташкил этиш бўйича амалдаги қўлланмалар, почта ва ахборотлаштириш тизимига оид журналлар ҳамда тизим фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар куруллар билан таъминланган. Бу ерда университетнинг "Почта хизмати", "Иқтисодиёт" ва "Менежмент" таълим йўналишларининг 3- ва 4-босқич талабалари амалиёт ўтайдилар, деҳлардаги технологик жараёнларда иштирок этишиб, почта алоқаси асосий хизматлари (жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш, уларга қайта ишлов бериш ва манзилларига жўнатиш), АКТ асосида кўрсатилаётган янги хизмат турлари (электрон пул ўтказмалари, пластик катроқчалар орқали коммунал тўловларни қабул қилиш) каби хизматлар билан яқиндан танишдилар.

Хозирги кунда талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, уларга амалдаги технологик жараёнларни таништириб бориш мақсадида жамият бошқарув аппарати ходимлари кафедранинг маъсул ўқитувчилари билан ҳамкорликда самарали ишлар олиб бормоқдалар.

— Корхонамизда кафедранинг ўқув филиалини ташкил этишдан мақсад жамият билан университет интеграциясини янада мустаҳкамлаш ва соҳага малакали ёш кадрларни кўпроқ жалб қилишдир, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Кадрлар ва малака опириниш бўлими бошлиғи Тожимурод Хўжақулов. — Чунки, соҳанинг эртанги ривожини бутун университетда таълим олаётган ёшларимиз қўлида. Улар почта тизимидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни, технологик янги-ланиш босқичларини ўз қўзлари билан кўришлари керак. Жамиятимиз раҳбарияти талабаларга барча шароитни яратиб қўйган, эшигимиз улар учун доим очик. Аммо қўзланган мақсадга эришиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Талабаларнинг ўзлари ҳам фаол ва ташаббускор бўлишлари керак. Корхоналар ва университет улар ҳақида қайғураётган экан, бу имкониятдан фойдаланиб қолишлари лозим. Ўзимиздаги бор билимни, тажрибани уларга ўргатишга доим тайёرمىз.

Дарҳақиқат, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ўз йўналишида тахсил олаётган талабаларни соҳага жалб қилиш, уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-сида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ТАТУнинг "Почта хизмати" таълим йўналиши Давлат таълим стандартининг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш учун жамият билан "UNICON.UZ" ДУК ўртасида 2012 йилнинг 20 январига 21,7 млн. сўмга тузилган хўжалик шартномасига асосан (муддат 2013 йил 30 июнгача) маблағ ўтказиб берилган ва

тетининг "Почта хизматларини автоматлаштириш" кафедраси ассистенти Лазиз Жўраев. — Уларнинг етарли таълим-тарбия олишлари учун университетда шароит ҳам,

имконият ҳам етарли. Аммо назарий билимни бевосита ишлаб чиқаришда синиб кўриш талабада ўзига нисбатан ишончли мустаҳкамлайди, соҳага янада кўпроқ яқинлаштиради. Бўлажак ҳамкасблари билан мулоқоти ўзаро ҳурматли мустаҳкамлайди. Почта йўналишидаги талабаларимизга шундай шароит яратиб қўйган экан, биз "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбариятидан, маъсул ходимларидан миннатдоримиз. Бу каби ҳамкорлигимиз фақат почта тизими истиқболига хизмат қилади.

— Битирув-малакавий ишмини ахборот-коммуникация технологияларини почта алоқаси корхоналарида татбиқ этиш мавзусида олиб боришман, — дейди биз билан суҳбатда 4-босқич талабаси Ахёрхон Норалиев. — Хозир илмий ишнинг АКТнинг жамиятдаги ўрни, аҳоли, хусусан, ёшларнинг унга бўлган муносабатига бағишланган биринчи бобини тугалладим. Албатта, ушбу бобни ёзиш асосида устозларим йўл-йўриқлари, интернет материалларидан фойдаландим. Барибир амалиёт ўтаганим катта ёрдам берди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалининг Пискент почта алоқаси тармоғида амалиётда бўлдим. Иш жараёнида ўрганган билимларимни амалда татбиқ этиш имкони борлигини англаб етдим. Жамиятда ташкил этилган кафедра ўқув филиали ҳам фаолиятимизда катта ёрдам берапти.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шуздаки, вилоят, туман ва шаҳарлардаги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига бириктирилган 74та касб-ҳунар коллежининг 49таси билан жамият таркибидоги филиаллар ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Жамият таркибидоги филиаллар ва почта алоқаси тармоқлари бириктирилган коллежларга ўқув жараёнида фойдаланиш учун тегишли воситалар ва кўргазмалар куруллар ҳамда адабиётлар билан таъминлаш масаласида қўмақлашмоқда.

Жумладан, жамият томонидан Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг почта алоқаси мутахассислари тайёрлайдиган йўналишига бириктирилган иккита синф хонаси кўргазмалар куруллар ва бошқа ўқув амалиёти ўтказиш учун зарур бўлган иш бланкалари, адабиётлар ва АКТ асосида кўрсатилаётган хизматлар дастури туширилган тўрт дон компьютер техникаси, бир дон проектор, проектор экранни билан таъминланган. Устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш мақсадида, 2012 йил март-апрел ойларида ушбу коллежнинг "Почта хизмати" йўналишида тахсил олаётган 64 нафар ўқувчи "Тошкент почтамти" филиалининг алоқа бўлимларига ўқишдан бўш вақтларида ишлаб чиқаришга жалб этилган.

Бир сўз билан айтганда, ТАТУ ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ўртасидаги ҳамкорликни олтин ҳалқаларга ўхшатиш мумкин. Ҳалқалар қанчалик мустаҳкам бўлса, бебаҳо натижалар қўлга киритилаверади.

Усмонжон Йўлдошев,
"Xabar" мухбири

Маълумот ўрнида:

✓ "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тегишли буйруғига асосан, ТАТУнинг "Почта алоқаси технологиялари", "Иқтисодиёт" ва "Менежмент" таълим йўналиши бакалаврлари ҳамда Тармоқлар иқтисодиёти ва "Менежмент" мутахассисликлари бўйича магистрлари учун 2012 йил апрел ойидан беш ўринли "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ стипендияси таъсис этилди. 2010/2011 ва 2012/2013 ўқув йилларида илмий-тадқиқот ишларида муваффақиятларга эришган, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиб келаётган иқтидорли ўн нафар талаба мазкур стипендияга сазовор бўлди.

✓ Хар йили почта йўналиши битирувчиларининг 70-75 фоизи почта алоқаси корхоналарида ишга қабул қилинмоқда.

✓ "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан ТАТУнинг қўшма буйруғига асосан, 2011/2012 ўқув йилидан бошлаб "Почта алоқаси соҳаси ривожини учун энг аҳамиятли лойиҳа" номинацияси жорий этилди.

ушбу таълим стандартининг ишлаб чиқишида жамият мутахассислари иштирок этмоқда. Университетнинг Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғона филиаллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масаласи жамиятнинг шу вилоятлардаги ҳудудий филиаллари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

2011/2012 ўқув йилида "Почта хизмати" таълим йўналишининг 66 нафар талабасидан 40 нафарининг битирув-малакавий ишига раҳбарлик қилиш учун жамият бошқарув аппарати ва Тошкент шаҳридаги почта алоқаси корхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб этилган. Шунингдек, 2012/2013 ўқув йилида иқтисод ва бошқарув факултети "Почта хизмати", "Иқтисодиёт" ва "Менежмент" таълим йўналишлари битирувчилари учун битирув-малакавий иш (диплом)ларига раҳбарлик қилиш учун мутахассислар рўйхати ҳамда иқтисод ва бошқарув факултетидоги тегишли таълим йўналишларида ўридошлик асосида машғулотларни ўтказишга тавсия этилган мутахассислар рўйхати университетта тақдим этилган.

— Биз университетда талабаларга назариядан таълим берамиз, — дейди иқтисод ва бошқарув факул-

ТАХРИРИЯТДАН:

Газетамизнинг навбатдаги сонларида телекоммуникация йўналишидаги алоқа корхоналарида фаолият кўрсатаётган ТАТУ кафедраларининг ўқув филиаллари ҳақида сўз юритамиз.

КОММУНАЛЬНЫЕ УСЛУГИ В ИНТЕРНЕТЕ

Мы все связаны со службами, поддерживающими нашу жизнь в комфортных условиях. Но что это за службы, как они работают, какие права и обязанности у нас как граждан и у этих служб, какими документами это регулируется, почти никто не знает.

Знаем, что есть где-то товарищество (ТЧСЖ — товарищество частных собственников жилья, кстати, мало кто сразу знает, как расшифровывается эта аббревиатура) в котором можно вызвать слесаря... на этом наши знания заканчиваются. Любой вопрос по теме поставит нас в тупик: кто должен ремонтировать стояки? Кто должен ремонтировать подъезды, как часто и на какие средства?

Вопросов много и попытка разобраться может завести в тупики, можно ходить между разными организациями, футболищающих жильцов по кругу. А как узнать тарифы, по которым мы платим за услуги? Идти в Горэнерго или "Сувсоз"?



Напомним, что недавно начал работу портал ЖКХ, расположенный по адресам <http://e-kommunal.uz> и <http://ek.uz>. Это только начальный этап большой работы, но уже сейчас можно получить полную информацию по нормативным документам, по ТЧСЖ, аварийным службам, махаллинским комитетам, поставщикам коммунальных услуг и многое другое.

Портал работает в пилотном режиме, тестируется функционал, отрабатываются ошибки верстки, собираются предложения по улучшению навигации и юзабилити, все предложения обобщаются на uForum'e (можно в Фейсбуке, можно в комментариях к статьям, не так важно где), отслеживаются разработчиками и сразу внедряются или вносятся в план работ. Уже есть небольшая, но стабильная посещаемость, по данным статистики WWW.uz ежедневно 200 посетителей просматривают около 1000 страниц.

Лидирует по посещаемости Калькулятор подсчета коммунальных услуг, воспользовавшись им вы можете узнать, сколько надо платить за услуги за выбранный отрезок времени. В Калькуляторе учтены все варианты: по счетчику или без счетчика, жильцы с электропечью платят по другому тарифу и так далее.

Также вы можете задать вопрос к любому органу сферы ЖКХ прямо на портале и сотрудники Центра UZINFOCOM (пока механизм взаимодействия не отлажен) передадут вопрос по адресу, проследят за ним, добьются ответа и опубликуют его.

Хочется обратиться ко всем: так уж сложилось, что привыкли к мысли, что госслужащих трудно достучаться. Тут уникальный случай: руководство готово сотрудничать, открыто и с пользой для жителей, сотрудники Центра сделали платформу для этого. Давайте поможем активности: задавайте вопросы, обращайтесь внимание на узкие проблемные места, генерируйте обратную связь с мест. Только вместе есть шанс сделать нашу жизнь чище и комфортнее.

Зумрад ШОЖАЛИЛОВА

Жизнь современного коллектива невозможно представить без профсоюзного комитета. Профком всегда жил жизнью предприятия, никогда не стоял в стороне и продолжает оставаться в гуще событий.

О деятельности профсоюзного комитета рассказывает Елена Владимировна Синяшина — председатель профкома Центра научно-технических и маркетинговых исследований ГУП "UNICON.UZ".

ЗАБОТА О КАДРАХ —

ЦЕЛЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОФСОЮЗНОГО КОМИТЕТА ГУП "UNICON.UZ"

— Сегодня большой коллектив Центра научно-технических и маркетинговых исследований предоставляет более 50 видов услуг для всей сферы связи, информатизации и коммуникационных технологий. В свою очередь они чувствуют внимание профкома. Понимая всю важность и значимость культурно-массовых мероприятий для сотрудников Центра и членов их семей, профсоюзный комитет приобретает билеты на концерты, премьерные спектакли театров столицы.

Система социального партнерства на предприятии существует и совершенствуется со дня его основания. Замечательная идея, сплочения детей сотрудников Центра принадлежала М.Гафуровой — ответственной по духовности и просветительству. Так, Международный день защиты детей, дети дошкольного и школьного возраста были приглашены в Центр на конкурс детского рисунка. После подведения итогов конкурса, детвора со своими родителями провела замечательно время в мире аттракционов и развлечений парка отдыха им. Мирзо Улугбека. В этих целях были приобретены билеты на различные виды каруселей, так любимые детворой.

Не остаются в стороне и сами родители, а также молодежь — потенциал Центра. Необходимо отметить, что большая часть коллектива любит проводить свободное время путешествуя по горным районам Ташкентской области. Тем же, кто не может обойтись без комфорта в горной местности организована поездка в спортивно-оздоровительный комплекс "Горняк", расположенный в замечательном природном оазисе водохранилища Чарвак. В зимнее время наши сотрудники также могут оценить красоту родного края во время выезда в эту местность.

Ничто не сравнится с семейным отдыхом. В выходные дни и во время отпуска желающие смогли вместе отдохнуть в загородной зоне отдыха государственного унитарного предприятия ЦЭМС. Заранее



известив об этом ПК, которое, в свою очередь, имеет соглашение на предоставление коттеджа в течение целого года.

Учитывая тот факт, что большее время сотрудники проводят у компьютера, члены ПК позаботились об общем оздоровлении работников. С этой целью были приобретены абонементы в плавательный бассейн Юнусабадского оздоровительного комплекса.

Радует и другой факт, по ходатайству ПК проведен ремонт помещения тренажерного зала. Здесь созданы

Самое любимое время школьников — летние каникулы, ребяташки сотрудников Центра провели в детских оздоровительных лагерях "Нилуфар" и "Алоқачи".

условия для поддержания состояния здоровья.

Профсоюзным комитетом постоянно осуществляется контроль за состоянием условий труда. В список контроля за состоянием условий труда входит проверка производственной среды, шум, освещение, электромагнитная совместимость, радиация, запыленность, загазованность, тяжелая напряженность труда. Так в 2012 году в установленном

порядке проведена аттестация рабочих мест по условиям труда, и рабочих мест инвалидов.

В этом году пятнадцати сотрудникам Центра была оказана материальная помощь. Также мы выделяем средства на свадебные мероприятия молодых специалистов и печальные события.


Полубившаяся передача "Ошга мархамат" получила широкую аудиторию, вышла из телевизионных рамок и перешла в другую плоскость. Любимое многими блюдо — традиционный плов послужил поводом для проведения целого конкурса плова на природе. Для выявления самого лучшего повара — мастера приготовления плова проведено состязание 6 мая 2012 г. На это раз в зоне отдыха Акташ состоялся Фестиваль плова среди предприятий сферы связи и информатизации. На Фестивале плова участвовало порядка 19 компаний, в их числе своих специалистов выдвинул ГУП "UNICON.UZ" в лице: Акрамова Равшана и Рахимова Таваккала. Благодаря профессионализму и слаженной командной работе выдвинутые с нашей организации — заместитель главного бухгалтера (повар) и электромонтер (помощник повара) смогли приготовить плов, удостоенный почетного второго места.

да жойлашганлиги боис замонавий ахборот технологияларига уланиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, балки халқаро трафик маълумотларни ўтказишда фойда келтирадиган нақд валюта тушумига эга бўлди. Республика бўйлаб ҳар бир вилоятда оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, ишга туширилди ва мавжуд бўлган аналогли узатиш тизими замонавий рақамли узатиш тизимига ўзгартирилди. ТОЕ ОТАЛнинг умумий узунлиги 27000 км. бўлиб, унинг 885 км. қисми Ўзбекистон худудидан ўтади. Бу ишбоот 1998 йили фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон худудидан ўтадиган қисмида икки тракт ҳосил қилинган бўлиб, бир тракт қитъалараро, бир тракт эса миллий тармоққа хизмат кўрсатадиган бўлди. ТОЕ ОТАЛ ишга тушиши билан Ўзбекистон-

нинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортди. Мамлакатимиз аҳолиси Европа ва жаҳон телекоммуникациясига уланиб, бутун дунё билан мулоқот қилишга ва маълумот узатишга муяссар бўлди.

Япон ҳукуматининг кредити (ОЕСФ) билан амалга оширилган Оролбўйи минтақасидаги телекоммуникация транспорт тармоқларини ўзгартириш ва замонавийлаштириш мақсадида, Бухоро-Урганч-Нукус магистрал ОТАЛ ишга туширилди. Навбатма-навбат Фарғона водийси, Тошкент-Ангрен ОТАЛ ётқизилди. Тошкент-Бухоро-Олоғ участкасида радиорееле линияси қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Тошкент-Ангрен РРЛ қурилди. Шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам қўшимча РРЛлар қурилиб, у ерларга япон ускуналари ўрнатилди. ОЕСФ кредити билан 814 км. ОТАЛ ётқизилди ва 1850 км. бўлган радиорееле линияси қайта жиҳозланди.

Республика бўйлаб ётқизилган ОТАЛни шикастланган вақтда бошқа тармоқдан хизмат кўрсатиш, захиралаш, умуман, республикада алоқанинг узлуксиз ишлаши мақсадида Япониянинг ЈВБС банки кредити билан Зарафшон-Учкудук-Урганч-Нукус, Ангрен-Фарғона водийси бўйлаб ОТАЛ, Тошкент-Ангрен оралиғида ётқизилган магистрал кабелларга ёндош қўшимча кабелларни халқа усулида ётқизиб, захиралаш лойиҳаси амалга оширилди ва мамлакатда алоқа шикастланганда ҳам узлуксиз ишлашига асос яратилди.

Магистрал кабеллар ривожланиши билан бирга, мамлакат худудида магистрал кабелларга захира радиорееле линиялари ҳам қурила бошланди. Радиорееле линиялари (РРЛ) симсиз алоқа воситалари бўлиб, улар юқори частотали аппаратура, антенна мақта ва фуқаро иншоотлари мажмуасидан иборатдир. Магистрал кабеллар шикастланган вақтда РРЛ захира бўлиб хизмат кўрсатади.

Хитойнинг "Huawei" компанияси билан Қарши-Термиз ва Қўнғирот-Бейнов оралиғида ОТАЛ ётқизилиб, замонавий мультиплексор (станциялараро ускуна)лар ўрнатилди.

Телекоммуникациянинг шаҳарлараро, халқаро ва зоначи тармоқларининг ри-

вожланиши ва замонавийлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасида телефон тармоғидан умумий фойдаланиш юқори босқичга қўтарилди. Ҳозирда алоқанинг тўғридан-тўғри каналлари 25та йўналишдан иборат бўлиб, жаҳондаги 180дан ортиқ давлатлар билан автоматик тарзда боғланиш имконини беради. Каналлар оптик толали, радиорееле ва сунъий йўлдош алоқалари орқали амалга оширилади.

ОТАЛ фойдаланишга топширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ўз замонавий рақамли алоқа узатиш тизимига эга бўлиб, қуйидаги муаммолар ҳал этилди:

✓ Телекоммуникация хизматлари кўрсатиш ҳажми кўпайди.

✓ Ўзбекистон Республикаси замонавий рақамли алоқа тизимига эга бўлиб, халқаро жаҳон алоқа тизимига уланиш имкониятига эга бўлди.

✓ Барча аналогли алоқа тармоқлари ёппасига рақамли тармоққа алмаштирилди.

✓ Алоқа тизимида бўладиган илгариги харажатлар маълум миқдорда камайди.

✓ Тошкент шаҳридан республиканинг турли нуқталарига бевосита маълумотлар узатиш имкони яратилди.

✓ Рақамли тармоқни марказдан идора қилувчи автоматлаштирилган бошқарув тизими барпо этилди.

Фан-техника юксалган ва жамият тараққиёти ривожланган сари "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг асосий вазифаси — телекоммуникациялар (магистрал кабеллар, радиорееле линиялар)га техник хизмат кўрсатиш бўлиб қолмоқда. Ҳозирда халқаро телекоммуникация, ахборотлаштириш ва халқаро алоқа тармоғи бўлган интернет жадал суратлар билан ривожланыпти. Уларни эса "ТТТ" филиалининг асосий фаолияти бўлган магистрал кабелларсиз, радиорееле линиялар ва электралоқасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳасан ШУКУРОВ,
"ТТТ" филиали етакчи муҳандиси

XABAR LUG'AT

АМАЛИЙ ТИЗИМ (ИНГЛ. OPERATING SYSTEM/OS) —

1. Компютер ресурсларини ва маълумотларни мувофиқлаштирадиган ва бошқарадиган дастурий таъминотнинг асосий қисми, воситалар мажмуаси.
2. Дастурларнинг бажарилишини бошқарадиган ва тизимнинг ресурсларини тақсимлаш, режалаштириш, кириш-чиқини ва маълумотларни бошқариш каби вазифаларни таъминлайдиган восита.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК (ИНГЛ. INTELLIGENT PROPERTY) —


ижодий фаолият ва хусусийлаш воситалари натижаларига бўлган жамий алоҳида ҳуқуқларни ифода этувчи жамловчи тушунча. Интеллектуал мулк адабий, бадиий ва илмий асарлар, артистларнинг ижрочилик фаолияти, овоз ёзиш, радио ва телевизион дастурлар, ихтиро, саноат махсуслотлари, савдо белгилари, фирма номлари ва ҳ.к.ларга тегишли ҳуқуқларни ҳам қамраб олади.

FOYDALI SAYTLAR

INTERNET-SABOQ

uz-translations.uz

Чет тилларини ўрганувчилар учун



Xорижий тилларни ўрганишга киришганлар учун фойдали сайт. Бу ердан нафақат инглиз, немис, француз тилларини, балки дунёнинг бошқа бир қанча тилларини ҳам ўрганишга имкон берувчи дарсликлар,

китоб шаклидаги ва аудио-видео қўлланмалар, лугатлар, газета ва журналларни топиш мумкин. Шунингдек, таржимашунослик ва тилшуносликка бағишланган турли тиллардаги адабиётлар жойлаштирилган.

INFO-XABARLAR


16 минглик довон

Шу йилнинг 11 феврал куни .UZ ҳудудидаги фаол-доменлар сони илк бора 16 минглик довондан ошди.

Йил бошидан доменлар сони 214тага кўпайган (1,3 фоизга ошган).

Эслатиб ўтамиз, 2010 йилнинг 25 февралда — 10 минг, 14 декабрида — 11 минг, 2011 йилнинг 2 ноябрида — 13 минг, 2012 йилнинг март ойида — 14 минг, июлида эса — 15 минг домен рўйхатдан ўтган эди.

Энг кўп доменларни рўйхатдан ўтказган компаниялар сафига Arsenal-D (4929), Tomas (4105) ва BILLUR COM (3728)лар киради. 54 фоиз домен юридик шахслар ва 46 фоиз доменлар жисмоний шахслар томонидан рўйхатдан ўтказилган.



Ўқув юртларида Wi-Fi ҳудудлар



Хафта давомида пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртларида "Келажак овози" ахборот хонаси ва бепул Wi-Fi ҳудудлар ташкил этилади.

11 февралдан ушбу ташаббусга старт берилди ва Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ҳамда Тошкент Давлат юридик институтида "Келажак овози" ахборот хоналари ташкил этилди.

"Келажак овози" ахборот хоналарида интернет манбаларидан бепул фойдаланиш, тезкор ахборот алмашиш, шу билан бирга, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёшларга оид лойиҳалари, грант дастурлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.


Таъкидлаш лозимки, ҳозиргача вилоятлардаги 40та олий таълим муассасасида "Келажак овози" ахборот хоналари ташкил этилган. Эндиликда Тошкент шаҳридаги олий ўқув даргоҳларида ҳам шундай хоналар фаолияти йўлга қўйилади.

"Бир ойна"

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати интернетда www.odnookno.uz махсус-сайтини ишга туширди. Ушбу сайт орқали пойтахтимиз аҳолиси кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан онлайн равишда ариза топшириш, уларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, турли қўшимча маълумотларни олиш имконига эга бўлади.

Сайтда "Электрон хизматлар", "Маълумотлар ахборотномаси", "Фуқаролар мурожаати" каби бўлимлар орқали интерактив хизматлар ҳамда қимматли маълумотлар тақдим этилган.

Фойдаланувчилар "Бир ойна" сайти орқали аввал берилган аризанинг макomini текшириб боришлари ҳам мумкин.



7-DARS.

Ma'lumotlarni qidirish


Internet tarmog'ida ma'lumotlarni tezkor qidirib topish uchun qidiruv tizimlari xizmatidan foydalaniladi. Ma'lumotlarni qidirish uchun quyidagi amallarni bajaring:

Internet brauzer dasturining manzillar satriga qidiruv tizimi manzilini kiriting, masalan, www.uz (хориж кидирув тизимлари: google.uz, yandex.ru ва хоказо).

Manzil kiritilgandan so'ng klaviaturadan «Enter» tugmasini bosing.

Natijada brauzer dasturiga qidiruv tizimi veb-sahifasi yuklanadi.

Qidiruv maydoniga kerakli jumlani kiriting, masalan: «Axborot texnologiyalari».



«Найти» yoki «Кидир» tugmasini bosing. Shundan so'ng qidiruv tizimi siz kiritgan kalit so'z yoki jumlaning o'zida jamlangan veb-sahifalar ro'yxatini qisqacha annotatsiyasi bilan birgalikda taqdim etadi.

Ro'yxatdagi har bir sahifa nomiga sichqoncha chap tugmasini bosish orqali unga murojaat qilish mumkin.

8-DARS.

Sahifani saqlash

Tanlangan sahifalarni kompyuter diskiga saqlab olish orqali, ushbu sahifalar bilan keyinchalik ishlash imkoniyati paydo bo'ladi.

Talab qilinyotgan manzildagi veb-sahifani saqlash uchun uni avvalo veb-brauzerga yuklang.

«Файл» menyusiga sichqoncha chap tugmasini bosish orqali, uni oching.

«Сохранить как...» menyusu amalini tanlang.



Paydo bo'lgan saqlash oynasida sahifani saqlash joyini ko'rsating.

«Сохранить» tugmasini bosing.

Shundan so'ng sahifani saqlash jarayoni boshlanadi va tanlangan sahifa kompyuteringiz diskiga saqlanadi.

Дарслар ТАТУ мутахассислари томонидан тайёрланган

ФАКТ

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширившиг электрон тизимга тўлиқ ўтади. Бу тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежаш билан бирга, ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олади.



АВЛОДЛАРГА ИБРАТ-НАМУНА

Хаётда шундай инсонлар борки, олиб борган кўлаб бунёдкорлик ишлари, одамларга қилган қатор яхшиликлари, қолдирган бой мероси сабаб вафотларидан сўнг ҳам авлодлари уни унутмайдилар, аксинча, номини кўкларга кўтариб, хурматини жойинга қўядилар. Ана шундай муътабар инсонлардан бири бобомиз Алишер Навоийдир.

Хар йилгидек бу йил ҳам улуғ аллома бобомизнинг таваллуд куни юртимизда кенг нишонланмоқда. Жойларда ташкил этилаётган тадбирларда Алишер Навоийнинг хаёти, ижоди, ўзидан кейинги авлодларга қолдирган бой адабий мероси ҳақида гапириш билан бирга, шоир ижодидан намуналар ўқилмоқда, ғазаллари қўшиқ қилиб куйланмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида ҳам бўлиб ўтди.

"Алишер Навоий — авлодларга мудом ибрат-намуна" мавзуида ўтказилган ушбу тадбирда республика Маънавият тарғиботи маркази бўлим бошлиғи Оллоёр Бобонов иштирок этди. Унинг Алишер Навоий хаёти ва ижоди, дунё халқлари мулкига айланган адабий мероси ҳақидаги маърузаси ҳамда ифодали ўқиган улуғ бобомиз ғазаллари барчага манзур бўлди.

Ана шундай тадбирлар компаниянинг вилоятлардаги филиалларида ҳам ўтказилмоқда.

Муҳиддин СОЛИЕВ
Муаллиф олган суратлар.

Шоирлар султони

Марғилон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби ахборот-ресурс марказида улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб "Алишер Навоий — шоирлар султони" мавзуида тадбир ўтказилди.

Тадбирда мактаб тил ва адабиёт фани ўқитувчилари, Ўзбекистон халқ таълими аълочили Сурайё Йўлдошева дунё тамаддунига ўзига хос улуғ кўша олган даҳо шоирнинг хаёти ва ижоди хусусида сўзлаб берди.

Шундан сўнг ўқувчилардан Мунира Алихонова, Мухаммадали Бобоев, Гуласал Қурбонова, Нодирбек Алижоновлар шоир ғазалларидан ёд айтиб беришди. Тадбир сўнггида мактаб бадний хаваскорлик тўғрисида қатнашчилари шоир ғазалларига басталанган мумтоз қўшиқлар, сахна кўринишлари намойиш этишди.

АРМ ходимлари Навоий асарларидан иборат китоблар кўргазмаси ташкил этидилар.

Мухаммадjon МАХМУДОВ

Алишер Навоий



Ўстаргим

Кон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилиди, гарчи бисёр истадим.

Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим дам-бадам,
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида ёктурур мутлак вафо,
Ваҳки, умри улча ёктурур соғиниб ёр истадим.

Улки, топилмас башар жинсида ваҳ ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонам зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардомани мен чун соҳиб асор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёрувук топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқи топмадим, бу гуссадим,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

Эл нетиб топгай мениким

Маънавиятимизнинг шаклланиши, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақи, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли халқ сифатида жаҳонга танилишимизда улуғ шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиссидир.

8 феврал куни НДПИ хузуридаги 1-академик лицей, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 34051-ҳарбий қисм кутубхонаси, Навоий вилоят вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ўтказилган "Эл нетиб топгай мениким" мавзуидаги китобхонлар анжумани ҳам буюк мутафаккир таваллудининг 572 йиллигига бағишланди.

Тадбир доирасида "Шеърят мулкининг султони" мавзуида китоб кўргазмаси, "Навоий 572 ёшда" буклети ташкил этилди.

Н.БАРНОҚУЛОВА,
АКМ фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Андижон Давлат Университети, Республика Маънавият тарғиботи маркази, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда "Авлодлар қалбида мангу барҳаёт" мавзуида анжуман ўтказилди.

Анжуманда Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти ва маънавиятига қўшган ҳиссаси, Ўзбек тилининг ранг-баранг қирраларини адабий тилда таърифлаб бера олган буюк сўз санъаткори бўлганлиги ҳамда моҳир таржимон, даҳо санъаткор ва улуғ шоир сифатида Ўзбек халқи номини бутун дунёга муҳрлаб қўйганлиги ҳамма фахр-ифтихорга тўлдириши айтиб ўтилди.

Шунингдек, буюк давлат арбоби, шоҳ ва шавкатли саркарда Захириддин Мухаммад Бобурнинг машаққатли хаёти, бу хаёти давомида илмий-адабий меросимизга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирилди.

Тадбир муносабати билан АКМ томонидан ташкил этилган "Буюк мутафаккирлар — маънавиятимиз асосидир" ҳамда "Асрларни забт этган Навоий наъми" мавзуидаги адабиётлар кўргазмаси тадбир иштирокчиларини Навоий ва Бобур боболаримиз ижодига яна бир қарра яқинлаштиришга хизмат қилди.

Диляфрўз КАРИМОВА,
Андижон вилоят АКМ етакчи кутубхоначиси

Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида Аҳам улуғ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Навоий бутун кучини халққа, илм-фан, санъат ва адабиётимизни юксалтиришга бағишлаганлиги, унинг ўлмас асарлари дунё халқларига маънавий озуқа бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳақида мактаб ўқувчилари билан давра суҳбати олиб борилди. Ўқувчилар Навоийнинг шеър ва ғазалларидан айтишди ҳамда сахна кўринишлари ижро этишди.

Тадбирда АКМ кутубхоначилари томонидан китоб кўргазмаси ташкил этилди.

Фазилят АБДУРАЗЗОҚОВА,
АКМ фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири

ХАВАР-АНКЕТА

Ўқувчиларга ҳурматли газетхонлар!

«Хабар»нинг ҳар томонлама мазмунли бўлишида Сизнинг фикрингиз муҳим. «Хабар-анкета» ана шу мақсадда эълон қилинмоқда.

1. "Хабар" да юртимизда ва чет элларда ахборот технологиялари янгиликларига бағишлаб чоп этилаётган мақолалардан кўнглингиз тўлқиними?
2. Газетада қандай танловлар ўтказилишини, янги рукнлар очилишини хоҳлайсиз?
3. Сизнинг назарингизда, қайси мавзулар газета эътиборидан четда қоляпти?
4. "Хабар" соҳа нашри сифатида ўз олдиға қўйган вазифаларни бажаряптими?
5. Қайси мавзулардаги мақолалар сизга кўпроқ манзур бўлмоқда? Қайсилари эса йўқ?

Хатларингизни кутамиз. Энг мазмунли таклиф ва мулоҳазаларингиз газетада эълон қилинади.
Электрон почта: info@xabar.uz.

Савдо-саноат палатаси томонидан 2012 йилда 171та корхонага мини-технологиялар харид қилишда бевосита ёрдам кўрсатилди.

Xabar
www.xabar.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани хокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2012 йил 21 декабрдаги 005447-11-сонли хатига асосан "IKT-PRO-SYSTEM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003611 рақамли;
"ELITE STARS UNIVERSAL" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (радиоалоқа) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003490 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 6 февралдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

"XO'JA OBOD ZIYO INTERNET SERVIS" хусусий корхонасининг (Анджон вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган 2012 йил 3 июлдаги АА серияли 0004125 рақамли;
"Зойир бобо" кўп тармоқли ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Навоий ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган 2012 йил 3 июлдаги АА серияли 0004127 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божли миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензияланадиган фаолиятни давом эттириш учун тенг улушдаги давлат божини тўламаганлиги сабабли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 45-бандига асосан:

"NIKITA MOBAYL" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002290 рақамли;
"NIKITA MOBAYL" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002291 рақамли;

"АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС" хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002406 рақамли;

"ASU TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002494 рақамли;

"FAYZLI-XIZMAT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002523 рақамли;

"TELECOM PROJECT PLUS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002556 рақамли;

"PROFELSIKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002567 рақамли;

"DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002610 рақамли;

"DATANET PLUS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (радиотелефонли, транкли) алоқа тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002611 рақамли;

"KOMEQ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002630 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002672 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002701 рақамли;

"Mirjalol qurilish shuxrari" хусусий корхонасининг (Бухоро ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002659 рақамли;

"QIZILQUM CONNECT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003904 рақамли;

"VASCO TECHNOLOGY SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002822 рақамли;

"IDEAL MOBIL SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган

АА серияли 0002707 рақамли;

"ALFA TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002725 рақамли;

"DIGIGATE" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002738 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002844 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002845 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002846 рақамли;

"ZIYODA" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002977 рақамли;

"DEL-MONOLIT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Гулистон ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002983 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "KOWEL INDUSTRY" Ўзбекистон-Корея кўчма корхонасининг (Наманган ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003062 рақамли;

"SANOM TRADE" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003145 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003205 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003206 рақамли;

"Сайрам-чирой сервис" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003207 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "INTERGROSS" хоржий корхонасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003389 рақамли;

"ITU UNISERVICES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқла-

рини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003442 рақамли;

"F AND L-LINE" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003485 рақамли;

"MPC International Investment end Consultants GmbH-Tashkent" Швейцария шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003547 рақамли;

"Қарши таджикот конструкция" масъулияти чекланган жамиятнинг (Қашқадарё вилояти) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003598 рақамли;

"Қашқадарё Махсус Монтаж – КМУС" МЧЖ таркибидagi "АВТО КМУС МЕХАНИЗМ" унитар корхонасининг (Қашқадарё вилояти) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003599 рақамли;

"MERATEK TECHNO" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойихалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003615 рақамли;

"INTERKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига АА серияли 0003689 рақамли;

"MPC International Investment end Consultants GmbH-Tashkent" Швейцария шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига АА серияли 0003711 рақамли;

"ТЕХКАФОЛАТ" хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003721 рақамли;

"STRONG TOWER" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003804 рақамли;

"AZIYA MOBTEL STROY" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойихалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003844 рақамли;

"MOBLINK TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003901 рақамли;

"Зиёда" кўп тармоқли кичик корхонасининг (Анджон ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002522 рақамли;

"Жиззах текоз алоқа" хусусий корхонасининг (Жиззах ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003141 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 6 февралдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Утганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали маъмурияти ҳамда профессор-ўқитувчилар жамоаси "Иктымий-испосидий ва туманитар фанлар" кафедраси ўқитувчиси Алишер Эргашевага онаси

Раҳимахон ТУРҒУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор қилади.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Маъсудбек АЛИМОВ номга 2012 йилда берилган 13125-12 сонли талабалик гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Хасби ҳол:

Мухсинжон МУҲИТДИНОВ зиёли оилада таваллуд топган. Отаси Мўминжон ака узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, онаси Нафисахон опа педагогика билим юртида тарих фанидан дарс берган.

Ўрта мактабни тугатиб, 1963 йилда Москва электротехника алоқа институтига ўқишга кирган М.Мухитдинов олийгоҳни битириб, бир йил Фарғона политехника институтига электроника фанидан дарс берди ва яна Москвага қайтиб аспирантурада таҳсил олди. Бу ерда номзодлик, 1984 йилда докторлик диссертацияларини химия қилди. Ўзбекистонга қайтгач, турли раҳбарлик лавозимларида, сўнгра республика Вазирлар Маҳкомасида ишлади.

Саккиз йил Давлат тест маркази директори, 2003-2005 йиллар давомида Олий аттестация комиссияси раиси, сўнгра "UNICON.UZ" ДУК директори ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. Айни пайтда Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти раиси ўринбосари вазифасида меҳнат қилмоқда.

"Илм бағрикенгликка ўрғатади"

— дейди навбатдаги меҳмонимиз техника фанлари доктори, профессор Мухсинжон МУҲИТДИНОВ

— Мухсинжон Мўминович, илм Сиз учун нима?

— Илм мен учун сув ва ҳаво каби муҳим. Илмсиз ҳаётимни тасаввур ҳам қила олмайман. Илм инсонларни теран фикрлашга, янгиликка интилишга, бағрикенгликка, адолатли бўлишга ўрғатади. Илми одамларнинг оиласида туғилган фарзандлар ақлли, кенг мушоҳадали, билимга чанқок, маънавий комилликка интилган бўлишади.

— Ҳақиқий дўст қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деб ўйлайсиз? Турли масъул лавозимларда фаолият юритгансиз. Ўша пайтдаги дўстларингиз ҳозир ҳам атрофингиздами?

— Менинг ҳаёт фалсафам шундай: Сenga бошқалар қандай муносабатда бўлишларини истасанг, ўзинг уларга шундай муносабатда бўл. Қайси лавозимда эканлигимдан қатъи назар ҳамма вақт одамларга самимий муносабатда бўлганман.

Қўл остидагиларни ишдаги камчиликлари бўйича қаттиқ, лекин адолатли танқид қилган вақтларим ҳам бўлган. Хар бир инсон ҳаёти давомида сайқалланиб бориши сабабли ўз хатоларини тушуниб, берилган танқидларни тўғри баҳолайди. Шунинг учун бўлса керак, дўстларим кўп. Фикримча, яхши кунларда ҳамма дўст. Энг муҳими, қийин пайтларда ёнингда тургани умр шерик дўстлардир.

— Ҳаётдаги шиорингиз?
— Шиорим доимо эл хизмати ва

назарида бўлиш. Баъзан кўча-қуйда, олий ўқув юртлари, илмий кенгашлардаги иштроким пайтида мен мутлақо танимаган одамлар келиб салон беришади, ҳолаҳвол сўраб, қачонлардир берган ёрданим учун миннатдорлик билдиришади. Шундай пайтда беихтиёр тўлқинланиб кетаман. Умрим беҳуда ўтмаётгани учун шукр қиламан.

— Доимо бирор ихтиро ёки бошқа янгилик устидан бош қотирасиз. Янгиликка интилувчанлик сизга нима берди?

— Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётганим менга ҳамма вақт хар бир масала бўйича тизимли равишда изланиш, ўқиш, янгиликлар излаб топиш учун ҳаракат қилиш имконини берди.

Давлат тест марказида ишлаган пайтимизда жамоамиз билан кўп вариантли тест тизимини яратганимиз олий ўқув юртларига киришда адолат қарор топишида, Олий аттестация комиссиясида ишлаганда эса МДХ давлатлари ичидан биринчи бўлиб ўзимизда ва кўшни давлатларда химия қилинган диссертацияларнинг электрон базасини ташкил этганимиз ва

антиплагиат компютер дастурини ишлаб чиқиб, жорий этганимиз қўчирма-қашликнинг олди олинишига ёрдан берди. Энг муҳими, бу билан Юртбошимизнинг шу масалаларда қабул қилган фармон ва қарорлари ижросига

хисса қўшдик, халқимиз ишончини мустахкамладик. 1994 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи", 1998 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонларининг берилиши камтарона меҳнатларининг эътирофи деб ўйлайман.

— Бўй вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Мен учун китоб танамнинг бир бўлагига айланган. Шунинг учун бўй вақтида ҳам китоб ўқийман ва ёзаман. Алишер Навоий ғазаллари, Абдулла Қодирий романлари, Рамз Бобожоннинг фалсафий шеърлари-ю Абдулла Қаҳҳор хикоялари жону дилим. Жаҳон адабиётидан Жек Лондон, Виктор Гюго, Стендал, Шекспир, Достоевский асарларини севиб ўқийман. Мақом қуй ва кўшиқлари менга куч ва ғайрат беради,

рухиятимни мустахкамлайди, поклайди. Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, Алижон Эркаев кўшиқларини тинглаб роҳатланаман.

— Олингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Рафиқам Мухаббатхон онажоним билан касбдош — тарих фани ўқитувчиси.

Катта ўғлим Мавлонжон ҳуқуқшунос, Англияда магистратурани тугатган. Халқаро арбитраж ва суд жараёнлари бўйича билим олиш учун бир йилга грант асосида Женева (Швейцария)га кетган. Қизим Нафосатхон шифокор. Кенжамиз Манзуржон Санкт-Петербургдаги ахборот технологиялари университетини битириб келиб, ҳозир дастурчи бўлиб ишлаяпти. Фарзандларимнинг исмини адабиётни чуқур тушунган ҳассос қалбли инсон, менинг биринчи устозим ва маслаҳатчим — отажоним қўйганлар.

— "Хавар"нинг кўп сонли ўқувчиларига тилакларингиз.

— Мухлислар сони янада ортиб, улар газетанинг хар бир сонини қизиқиб билан ўқиб чиксинлар ва бу қизиқиб уларни асло тарк этмасин. Аксинча, уларнинг ўзлари ҳам қизиқарли мақолалари билан газетанинг ўқишли чикишига хисса қўшишсин.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди

Соҳага оид 60дан ортиқ китоб, монография ва дарсликлар, 100дан ортиқ ихтиро, 400га яқин илмий мақолалар муаллифи, 30 нафар фан номзоди, икки нафар фан докторларини тайёрлаган.



НАМКASBINGIZ TAVSIYASI

Зарур масалликлар:

300 гр. исмалок, 200 гр. кийма (қўй гўшти), 3-4та тухум, таъбга кўра туз, мурч, бир бош пиёз.

Тайёрланиши:

Исмалок ва пиёз ўртача шаклда тўғралади, салат ёнида паст оловда қовурилади ва кийма, бир бўлак галина бланка кубиги қўшилиди. Кейин 3-4та тухумни яхшилаб бошқа идишда араштираб, қовурилатган масаликка қўшилиди ва оловни пастайтириб димлаб қўйилади.
Беш дакқадан кейин бўлакларга бўлиб, устига кўкат сепиб

дастурхонга тортамиз. Эрталаб ёки кечки пайтга енгил ва тез пилувчи таом ҳисобланади.

Ибн Сино рецептини ўзим қўллаганим учун сизларга ҳам жўнатдим. Таом ҳақиқатан ҳам иммунитетни кўтаришини тажрибамда синаб кўрганман.

М.ИБРОҲИМОВА, "Ўзбектелеком" АК Намаangan филиали диспетчери

Xabar
МУАССИС:
ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ
Бош муҳаррир:
Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдушани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).
Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хавар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. Е-mail: info@xabar.uz
Буна индекси — 228.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.	Газета ҳафтаинг жума кун чикади	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзаси: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	Г-252 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 17881 нуска.	ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззасда 226-06-34	Навоида 225-91-10	Наманганда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-18-05	Қўрғишда 931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	-------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------